ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ ЭКОЛОГИК-МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Саматова Дона Эркиновна
Тупроқнинг ифлосланишини аналитик назорат қилиш ва хроматографик тадқиқотлар бошқармаси бош мутахассиси
Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази

Аннотация. *Ушбу мақолада ерларнинг мелиоратив ҳолати, шўрланиш ва ботқоқланишини келиб чиқиш ва олдини олиш чоралари, гипсли тупроқлар, шўр ювиш ишларини амалга ошириш каби маълумотлар баён этилган.*

Таянч иборлар: *мелиорация, гипс, зовур, сизот, алмашлаб экиш, дуккаклилар*

Маълумки, ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳозирги вақтга келиб дунё миқёсида жуда катта муаммога айланиб қолди, бунга сабаб шуки, биринчидан кун сайин кўпайиб бораётган куррамиз аҳолисини озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш бўлса, иккинчидан саноатнинг ривожланиши ҳисобига инсониятнинг мелиорация қилиш қобилиятини оширган ҳолда, кўплаб янги ерларни ўзлаштириш, экин майдонларини кенгайтириш ва суғорилиб келадиган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашдир.

Шўрланиш ва ботқоқланишнинг олдини олиш ва шўрланган ерларнинг ҳолатини тубдан яхшилаш тадбирлари, энг аввало, шўрланишни содир этувчи омилларни барҳам қилишга қаратилиши керак. Уларга минераллашган грунт сувларини чучуклаштириш ва уларнинг сатҳини “критик чуқурлик”гача пасайтириш ишлари киради.

Сув таъминотини яхшилаш учун суғориш тармоқлари ва суғориладиган далалардан сув йўқотишни камайтириш ниҳоятда зарур. Бунинг учун эса барча суғориш тармоқларини ўрнатилган намунали тартибда ушлаб туриш, суғориш меъёрларини қатъий белгилаш зарур. Ҳар бир муайян хўжаликда зовурларни чуқурлиги ва суғоришлар сони масаласини барча табиий ва хўжалик юритишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб ҳал қилиш керак.

Мавсум давомида тўпланган тузларни илдиз қатламидан фақат шўр ювиш тадбирлари ёрдамида йўқотиш мумкин. Шўр ювишнинг энг мақбул муддатлари куз сентябр-декабр ойлари, грунт сувларининг энг максимал чуқурликда жойлашган, тупроқларда ҳали юқори ҳарорат сақланган, буғланиш жараёни

пасайган, шўрланишнинг қайта тикланиши минималлашган давр ҳисобланади.

Шўр ювишда тузларни максимал миқдорда чиқариб юбориш учун далалар шўр ювишга яхши тайёрланиши: сифатли текисланиши (планировкаланиши), чуқур ағдариб ҳайдалиши, бороналаниши, молаланишти зарур. Далалар шўр ювишга пухта тайёрланишига қарамасдан шўр ювиш меъёрлари тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва сув-физикавий хоссалари, тузлар таркиби, грунт сувларининг чуқурлиги, ҳарорат шароитлари ва далаларнинг дреналашганлик даражасига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши ҳам мумкин.

Тупроқнинг устки 0-1 метрлик қатламини ортиқча зарарли тузлардан тозалаш учун шу қатламдаги дала нам сиғимига тенг бўлган сув ҳажмини бир ёки бир неча марта шўр ювиш сувлари билан алмаштириш керак. Устки 1 метрли қатлам учун дала нам сиғими миқдори енгил тупроқлар учун 2200-2500, ўрта механик таркиб учун 2800-3000 ва оғир тупроқлар учун 3500-3800 $м^3$/га тенг.

Шўрланиш ва ботқоқланишнинг олдини олиш учун суғориладиган ерларга табақалашган ва замонавий, экишгача бўлган ишлов бериш, шўр ювиш, вегетацион суғориш режими ва техникаси, минерал ва органик ўғитлар қўллаш ва самарали агромелиоратив тадбирлар тизимини киритиш керак. Деҳқончиликни тўғри тизими ва экин майдонлари структурасида мевали ва манзарали дарахтлар беда, дуккакли ўсимликлар ширинмия плантациялари самарали мелиорацияловчи таъсир кўрсатади, кузда оралиқ экинлар (сидератлар)ни шудгор остига қўшиб ташланиши тупроқдаги гумус миқдорини кўпайтиради,тупроқ унумдорлигини оширади.

Гипсли тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва уларнинг унумдорлигини ошириш алоҳида тадбирлар мажмуасини талаб этади. Бундай оғир мелиорацияланувчи тупроқларда ерларни чуқур ҳайдаш, органик ўғитлар солиб шўр ювиш ишларини сифатли ўтказиш яхши самаралар беради. Мелиорацияланган бундай тупроқларнинг унумдорлигини сақлаб қолиш учун алмашлаб экиш тизимларини яхши йўлга қўйиш, ўғитлардан тўғри фойдаланиш, табақалаштирилган ишлов бериш ва зарурият туғилганда кимёвий мелиорация тадбирларини ўтказиш яхши самара беради. Унумдорлиги паст, юқори қатламларида 40-60 % карбонатли бирикмалари ва 20-30 % дан 70 % гача гипс бўлган тупроқларни устки қатламларини чуқур ҳайдаш йўли билан амалга ошириб боришдан иборат.

Мелиоратив ҳолати оғир майдонларда дастлабки 1-2 йил ичида “ўзлаштирувчи” экинлар - беда, дуккакли, оралиқ экинлар экиш, сидератларни кузда шудгор сотига кўмиб ташлаш кутилган натижаларни беради, тупроқда органик моддалар миқдори кўпайиб боради.

Мелиоратив ҳолати “ўта ёмон” деб баҳоланган: кучли ва жуда кучли

шўрланган грунт сувлари ер юзасигача кўтарилган, сув таъминоти етишмайдиган, мелиорация тизимлари ишдан чиққан, фойдаланмасдан "бўз" ҳолатига айланган, ғўза ҳосилдорлиги 8-10 центнердан ошмайдиган, қайта ўзлаштириш даври камида 6-8 йилни ташкил этадиган, ниҳоятда қийин мелиорацияланувчи, катта меҳнат ва ҳаражатлар талаб этувчи ерларни пахта майдонлари тасарруфидан чиқариш, уларни ғалла, озиқабоп экинлар, чорвачилик учун беда, полиз-сабзавот экинлари етиштириш ва мевали боғлар, узумзорлар барпо қилишда фойдаланиш катта иқтисодий самаралар беради, шўрланишнинг олди олинади, тупроқлар унумдорлиги ошиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. B. E. Kholboyev. (2024). REASONS FOR CHANGES IN THE SOIL-AIR REGIME AS A RESULT OF IRRIGATION OF CROPS WITH MINERALIZED WATER. American Journal of Biomedical Science & Pharmaceutical Innovation, 4(01), 71–75. https://doi.org/10.37547/ajbspi/Volume04Issue01-11
2. Kholboev B. Amount of Easily Soluble Salts in Water, Type and Level of Salinity in Irrigated Meadow-Gray Soils of Zomin Cone Spread and Its Effect on Soil Melioration. Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences ISSN NO: 2771-8840 https://zienjournals.com 30-11-2022. P 122-126crops with mineralized water. American Journal Of Biomedical science pharmaceutical Innovation.4(01),71–75.2024. https://doi.org/10.37547/ajbspi/Volume04Issue01-11
3. Kholboev B., Japakov N., Rakhmonov I., Akhunboboyev M., Oblokhlov M. Formation, morphology and mechanical composition of meadow-alluvial soils in the Jizzakh desert. BIO Web of Conferences 105, 05001 (2024) https://doi.org/10.1051/bioconf/202410505001 AEGISD-IV2024 P
4. Kholboev B., Khujabekova D., Esanbaeva N., Nurulayeva Sh. Assessment of land reclamation condition of Mirzachol. Web of Agriculture: Journal of Agriculture and Biological Sciences,2(5), 1–6., 2024. Retrieved from https://webofjournals.com/index.php/8/article/view/1295
5. Rayimberdiev H.A., Eshonkulov M.A., Kholboev B., Raxmonov I., & Mirsharipova G. (2025). Mechanical composition and properties of irrigated soils of syrdarya region. *American Journal of Agriculture and Horticulture Innovations*, *5*(03), 9–13. https://doi.org/10.37547/ajahi/Volume05Issue03-03
6. Zafarjon Negmatulloev, Bakhromjon Kholboev, Ravshan Rakhmatullaev, Botir Kuziyev, Ulugbek Khodiyev and Uchkun Saidkosimov. Effect of High-Pressure Flow Parameters from Hydrotechnical Facilities on the Environmental Reclamation Status of Agricultural Soil and its Productivity.E3S Web Conf., 673 (2025) 01005.DOI: https://doi.org/10.1051/e3sconf/202567301005

7. Ахмедов А., Намозов Х., Холбоев Б., Тошпулатов С., Корахонов А. Проблемы засоления и мелиорации земель Узбекистана (на примере Голодной степи). Почвоведения и агрохимии научное журнал №2 2017 г. Алматы. -С 53-61.
8. Ахмедов А.У. Почвенно-мелиоративные условия восточной части Джизакской степи и основые пути их улучшения. Автореф. дисс... канд. с/х. наук. – Ташкент, 1983. 24-с.
9. Ахмедов А.У. Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользование // Международный научно-практической Интернет конференции. – Россия, 2016. – С. 52-54.

